

Термиз шаҳрида ойнага ишлов бериш йўли билан импорт ўрнини босувчи буюмлар ва қурилиш ашёлари тайёрланмоқда



Умумий майдони 1,37 гектардан иборат маъмурий ва хўжалик бинолари 1,5 миллион долларлик инвестиция киритиш шарти билан мазкур тадбиркорлик субъектига берилганди. Ҳозирда Хитой, Италиядан олиб келинган замонавий технология асосида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Биринчи босқичда 50 та янги иш ўрни яратилган бўлса, иккинчи босқич ишлари якунлангач, бу кўрсаткич 100 тага етади. Лойиҳага кўра, корхонада бир йилда 200 минг кв метргача ойнага ишлов берилади. Тайёр маҳсулотнинг бир қисми Афғонистон ва Тожикистонга экспорт қилинади. Экспорт ҳажми тобора оширилиб, 2024 йилда 1 миллион долларлик маҳсулотни четга сотиш режалаштирилган.